

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017.Tib 30.03.
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ҚОН ҚУЙИШ ИЛМий-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ИБРАГИМОВ ДИЛШОД ФАТХУЛЛАЕВИЧ

**КУЙИШ КАСАЛЛИГИНИНГ ИНТЕНСИВ КОМПЛЕКС ДАВОСИДА
СУКЦИНАСОЛНИ ҚЎЛЛАШ
(ЭКСПЕРИМЕНТАЛ-КЛИНИК ИЗЛАНИШЛАР)**

14.00.16 – Нормал ва патологик физиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ибрагимов Дилшод Фатхуллаевич

Куйиш касаллигининг интенсив комплекс давосида сукцинасолни
кўллаш (экспериментал-клиник изланишлар) 3

Ибрагимов Дилшод Фатхуллаевич

Применение сукцинасола в интенсивной комплексной терапии
ожоговой болезни (экспериментально-клиническое исследование) 22

Ibragimov Dilshod Fatxullaevich

The use of succinasol in complex intensive therapy of burn disease
(experimental-clinical research) 40

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017.Tib 30.03.
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ҚОН ҚУЙИШ ИЛМий-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ИБРАГИМОВ ДИЛШОД ФАТХУЛЛАЕВИЧ

**КУЙИШ КАСАЛЛИГИНИНГ ИНТЕНСИВ КОМПЛЕКС ДАВОСИДА
СУКЦИНАСОЛНИ ҚЎЛЛАШ
(ЭКСПЕРИМЕНТАЛ-КЛИНИК ИЗЛАНИШЛАР)**

14.00.16 – Нормал ва патологик физиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2019

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Tib669 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.tma.uz ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг www.ziyo.net манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каримов Хамид Якубович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Зокиров Ёрқин Узуевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Собиров Журабой Марифбоевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Андижон Давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «_____» _____ кунини соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (99871) 150-78-25; e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: +99871 150-78-25.

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» _____ кунини тарқатилди.
(2019 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ж.Эрматов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.У.Ирискулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қоши-
даги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари док-
тори, профессор

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда куйиш жароҳатлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши, транспорт воситаларининг ривожланиши, аҳоли урбанизациясининг кучайиши ва табиий офатлар кўпайиши билан боғлиқ тиббий-ижтимоий муаммо саналади. Қатор муаллифлар томонидан келтирилган маълумотларда «термик жароҳатлар ҳужайраларда қайтар ва қайтарилмас ўзгаришларнинг ривожланишига олиб келадиган кенг тарқалган жараён бўлиб, профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаса, патогенетик, тиббий, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни юзага келтириши»¹ белгиланган. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра куйишлар тинчлик даврининг умумий жароҳатлари таркибида учинчи ўринни эгаллайди ва бугунги кунда «замонавий тиббиёт соҳасида муайян ютуқлар қўлга киритилаётган бўлса-да, чуқур ва кенг куйишлар билан ўлимлар даражаси кун сайин ортиб бормоқда»². Статистик маълумотларига кўра «тинчлик даврида барча мамлакатларда йилига 60 млн, жумладан, АҚШда йилига 2 млн нафар инсон куйиш жароҳатини олади ва улардан 5000 нафари вафот этади, 50000 нафари доимий ногирон бўлиб қолади. Ушбу кўрсаткич Японияда 100 минг аҳолига 290–300 та, Россияда 384 та, Ўзбекистонда 374 тани ташкил этади»³. Жабрланганлар орасида юқори ўлимнинг асосий сабабларидан бири полиаъзо етишмовчилиги, сепсис, куйиш энцефалопатияси каби ҳаёт учун хавфли асоратлар олдини олиш ва даволаш учун ягона даволаш концепциясининг йўқлигидир.

Жаҳон миқёсида куйишни интенсив-комплекс даволашнинг замонавий аспекти юқори самарадорлигига эришишга йўналтирилган тадқиқотлар кенг кўламда олиб борилмоқда. Кейинги йилларда куйиш касаллигини комплекс даволашда сукцинасол дори воситасининг эндоген интоксикацияси, липидларнинг перекисли оксидланиши (ЛПО) – антиоксидант тизим (АОТ) ҳамда регенератив жараёнларга таъсири, куйиш касаллигида беморларда юзага келадиган асоратларни куйишнинг оғирлик даражасига кўра анъанавий инфузион терапия ҳамда сукцинасол инфузион дори воситаси билан даволаш самарадорлигини асослашнинг ўзига хос хусусиятлари диққат билан ўрганилмоқда. Бу борада куйиш касаллиги бўлган беморларда сукцинасолни қўллаш ва уни қўллашнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги мувофиқлигини таъминлаш тиббиёт соҳасида ечими топилиши талаб этиладиган жиддий муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, турли жароҳатловчи воситалар

¹Алексеев А.А. Ожоговая инфекция. Этиология, патогенез, диагностика, профилактика и лечение: монография / А.А.Алексеев, М.Г.Крутиков, В.П.Яковлев. – М.: Вузовская книга, 2010. – С. 416.

²Соколов В.А. Зарубежная статистика ожогов. /В.А.Соколов, Ю.Р.Скворцов // Скорая медицинская помощь, 2011. №3. – С. 58–61.

³ Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг 2017 йилдаги ҳисоботи.

ёрдамида куйиш ва унинг асоратларни камайтириш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисидаги фармонда мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш⁴ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида турли даражада куйишни ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ҳамда сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали асоратларни камайтириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сон, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5590-сон Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Организмнинг амалий жиҳатдан барча тизимлари фаолиятлари шикастланишининг ўткир ривожланиши ва тўқималар гипоксияси, заҳарли маҳсулотлар тўпланиши, метаболизмнинг бузилиши ва кейинчалик хужайраларнинг нобуд бўлиши куйиш жароҳатини бошқа турдаги критик вазиятлардан ажратиб турувчи хусусият ҳисобланади (А.А.Алексеев, 2014; М.Г.Крутиков, 2014). Ушбу критик ҳолатни жуда қисқа вақт давомида ҳал этиш зарур, бу эса куйиш касалликларини даволашнинг ўзига хос хусусияти саналади (С.Г.Шаповалов, 2016). Инфузион терапия критик ҳолатда бўлган беморларни юритишда асосий компонент бўлиб ҳисобланади. Критик ҳолатлар амалиётида қоннинг реологик хусусиятлари ва коррекцияси, тўқима суюқлиги, қоннинг коллоид-осмотик ҳамда биокимёвий коррекцияси, дезинтоксикация, дори воситаларини юритиш, парентрал овқатлантириш инфузион терапиянинг

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади. Мазкур вазифаларни ҳал этиш учун турли инфузион муҳитлар қўлланилади, улар ўзининг асосий физиологик хусусиятларига кўра гемодинамик қон ўрнини босувчилар, дезинтоксикацион қон ўрнини босувчилар, парентрал озикланиш учун препаратлар, сув-туз ва кислота-асос ҳолатини бошқарувчилар; кислород ташиш функцияси хусусиятига эга бўлган қон ўрнини босувчилар, инфузион антигипоксантилар, комбинациялашган препаратлардир. Айланма қон ҳажмини (АҚХ) тўлдириш, бир вақтда интерстициал бўшлиқ регидротацияси билан қоннинг реологик хусусиятларини яхшилаш шок даврида беморларда интензив терапия олиб бориш вазифаси ҳисобланади (Н.В.Сатосова, 2012; A.Gosan L.A.Di Pietro, 2004). Куйишнинг токсемия ва септикотоксемияси даврида инфузион терапия кучайтирилган ҳолда бир қанча мақсадларни кўзда тутди, жумладан: бир вақтда гомеостазни қўллаб-қувватлаш билан организмнинг дезинтоксикацияси, АҚХ, артериал босим (АБ), юрак қисқаришлар частотаси (ЮҚЧ), қон айланишининг дақиқали ҳажми (ҚАДХ), кислота-ишқорий таркиб (КИТ), марказий веноз босим (МВБ), қоннинг электролит таркиби. Ушбу йўналишда олиб борилган мукамал текширишлар стрессли вазиятларда организм гомеостазини ўз вақтида коррекциялаш, касалликни башоратлаш ва ташхислашни амалга оширишга сўзсиз таъсир кўрсатади, чунки даволашнинг етарлилиги ва самарадорлигига куйиш касаллиги кечишининг якуний натижалари боғлиқ. Куйиш касаллигини даволашга бағишланган адабиётлар таҳлиliga кўра замонавий тиббиёт даражасидаги комплекс таъсир этувчи инфузион қон ўрнини босувчилар нисбатан етишмаслиги, қаҳрабо кислотаси (ҚК) сақловчи инфузион препаратларни амалиётга кенг жорий этиш истиқболли йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади (А.А.Звягин, И.Ю.Ларионов, 2006).

Маълумки, ҚК асосидаги препаратлар комплекс фармакологик таъсир – антигипоксемик, детоксикацион, антиоксидант каби хусусиятларга эга бўлади.

Юқорида баён этилган ҳолатлар шундай хулоса чиқаришга имкон берадики, ҳозирги кунда Ўзбекистонда комплекс таъсир этувчи препаратлар, айниқса, дезинтоксикантлар етишмовчилигида маҳаллий «Сукцинасол» инфузион дори воситасининг термик жароҳатлар кенг тарқалишида клиник жорий этилиши, бугунги кун тиббиёти олдида турган долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим муаммолардан биридир. Дори препарати клиник синовдан муваффақиятли ўтди, Ўзбекистон Республикаси фармакологик Реестрига киритилди ва кенг тиббиёт амалиётида қўллаш учун рухсат берилди (10/140/3 рақамли қайд).

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази (РШТЎИМ)да ПЗ-2014-0908202403 кодли «Электр шикастланишларда замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда

даволаш-ташхислаш тактикаси комплексини ишлаб чиқиш» мавзусидаги грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади куйиш касаллигини комплекс интенсив даволашда экспериментал ва клиник шароитларда Сукцинасолни қўллаш самарадорлигини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

куйиш касаллигини комплекс даволашда Сукцинасол дори воситасининг эндоген интоксикацияси, ЛПО–АОТ тизими ҳамда регенератив жараёнларга таъсирини комплекс баҳолаш;

куйиш касаллигини анъанавий инфузион терапия ҳамда сукцинасол инфузион дори воситаси билан беморларда юзага келадиган асоратлар сони ва оғирлик даражасига кўра даволаш самарадорлигини баҳолаш;

куйиш касаллиги бўлган беморларда Сукцинасолни қўллаш ва унинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги мувофиқлигини таъминлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида якуний тана оғирлиги 180–230 грамм бўлган аралаш популяцияли 60 та оқ каламуш ва тана оғирлиги $2,2 \pm 0,2$ кг бўлган 10 та эркак қуён олинган. Клиник тадқиқотлар 2007–2017 йилларда Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази ва Тошкент шаҳар 1-сон клиник шифохонаси комбустиология реанимацияси бўлимида даволанган 142 нафар жароҳатланганлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб қуёнлар ва каламушларнинг веноз қони, беморларнинг гемодинамик кўрсаткичлари ҳамда қон зардоби материаллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда клиник, биокимёвий, функционал, статистик каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

куйиш касаллигида патологик жараёнларнинг яққол намоён бўлиш даражаси ва ривожланишининг ўзига хослиги, даври, куйиш майдонининг ўлчами кенг бўлган ҳолатларда «Сукцинасол» инфузион дори воситаси билан инфузион терапияни амалга оширишнинг самарали механизми асосланган;

куйиш касаллиги патологик жараёни, жароҳатнинг оғирлик даражаси, клиник ва лаборатор маълумотлар асосида куйишнинг шок даврида инфузион-трансфузион терапияни амалга оширишнинг патофизиологик механизми ишлаб чиқилган;

куйиш касаллигини даволашда дезинтоксикацион, антигипоксанти ва антиоксидант таъсирга эга «Сукцинасол» инфузион дори воситаси ёрдамида организмнинг тўқима ва ҳужайраларида тез ўсиб кучайиб бораётган интоксикацияни, гемодинамикани яққол намоён бўлган бузилишларини пасайтириш, диурезни ошириш, гипоксиянинг оғирлик даражаси ва оксидланиш стрессини камайитириши исботланган;

турли жароҳатларда куйиш даражаси натижасида патофизиологик механизмлар асосида даволашнинг самарали инфузион тартиби такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

куйиш касаллигининг ўткир даврида «Сукцинасол» инфузион эритмаси киритилиши клиник кўрсаткичларнинг нисбатан яхшиланишига олиб келган;

Сукцинасол инфузион эритмаси беморларни критик ҳолатдан олиб чиқиш, жароҳатдан тозаланиш вақтини тезлаштириш, умумий ҳолатнинг яхшиланиши ва беморларнинг стационарда бўлиш вақтини қисқартириш имконини берган;

куйиш касаллигида Сукцинасол инфузион дори воситасини қўллаш орқали беморларнинг клиник-лаборатор кўрсаткичлари, яъни кислота-ишқор тизими меъёрлаштирилиб, шок ҳолатидан тезроқ олиб чиқиши тизими яратилган;

«Сукцинасол» метаболик жараёнлар, қоннинг гематологик кўрсаткичларини тиклаши ва гипоксик ҳолатдан олиб чиқиши асосланган;

куйишни комплекс даволашда Сукцинасолни қўллаш клиник-биокимёвий кўрсаткичларни яхшилаши, жигар-буйрак ферментлари, ЛПО, АОТ, эндоген интоксикация ва организм энергетик потенциали кўрсаткичларини меъёрлаштириши исботланган;

куйиш касаллиги комплекс давосида Сукцинасолнинг киритилиши соғлиқни сақлаш тизимига бир нафар бемор учун 512918 сўмни тежаш орқали иқтисодий самара берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тажриба ҳайвонлари ва беморлар сонининг етарлилиги, куйиш касаллигининг интенсив комплекс даволашнинг замонавий аспектларини қўллашда юқори даражада махсус замонавий усулларнинг қўлланганлиги, клиник, биокимёвий, функционал ва статистик текширув усулларига асосланганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти тажриба ва клиникада олинган маълумотлар куйиш касаллигининг ривожланишида ЛПО–АОТ тизими, организм дезинтоксикацион тизимлари бузилишлари юзага келишини таъминловчи механизмларни тушуниш учун фундаментал асос бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти куйиш касаллиги мавжуд беморларни даволаш алгоритми ёрдам сифатининг сезиларли ошишига олиб келиши тадқиқотнинг амалий қийматини белгилаб бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Куйиш касаллигининг интенсив комплекс давосида Сукцинасолни қўллаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Куйиш касаллигининг комплекс давосида Сукцинасол инфузион терапиясини қўллаш» усулбуй қўланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 8 февралдаги 8н-д/26-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма куйиш касаллигини даволаш усулларини такомиллаштириш имконини берган; куйиш касаллигининг интенсив комплекс давосида сукцинасолни қўллаш самарасини ошириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика шошолинч тиббий ёрдам илмий- маркази, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказининг Жиззах филиали, Тошкент шаҳар 1-клиник шифохонаси клиник амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21 декабрдаги 8н-р/360-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилиши «Сукцинасол» инфузион эритмаси ёрдамида организмнинг тўқима ва ҳужайраларида тез ва жадал кучайиб бораётган интоксикациядан даволаш, гемодинамикани яққол намоен бўлган бузилишларини коррекциялаш, диурезни ошириш, гипоксияни оғир даражасини ва оксидланиш стрессини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Куйиш касаллигини комплекс интенсив даволашнинг замонавий жиҳатлари»** деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлар маълумотлари шарҳи келтирилган, куйиш касаллигининг ривожланиши ва уни даволашда замонавий инфузион

эритмаларнинг патогенетик таъсири батафсил ёритилган, Сукцинасол инфузион препаратининг фармакологик хусусиятлари ва турли мамлакатлардаги куйиш касалликларини даволашдаги иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Куйиш касаллиги комплекс интенсив давосида Сукцинасолни қўллашнинг материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг тажриба ва клиник қисмида ўтказилган тадқиқот материаллари ва усуллари баён этилган. Ишнинг мақсад ва вазибаларига мувофиқ аралаш популяцияли 180–230 г 45 та оқ каламуш ва массаси $2,2 \pm 0,2$ кг бўлган 10 та қуёнда тажрибавий тадқиқотлар ўтказилди. Куйиш шок ҳолатига 2000° С гача қиздирилган 3×3 см ўлчамдаги мис пластинкани каламушнинг орқа қисмига ва 10×10 см ўлчамдаги мис пластинкани қуёнларга босиш орқали эришилган. Қуёнларни даволаш экспериментнинг биринчи соатидан бошланди ва бир кун давом этди. Каламушларни даволаш тажриба бошланганидан кейин 3 кундан сўнг бошланди ва 3–5 кун давом этгач, ҳайвонлар сўйилди. Қон босими МХ-01 мониторда феморал артерияда текширилди. Кислота-асос тизими ОР-215 «Раделкис» (Венгрия) микроанализаторида эндоген интоксикациянинг куйидаги кўрсаткичлари аниқланди: эритроцитлар сорбцион ҳажми, малон диальдегид (МДА), паст ва ўрта молекуляр массали моддалар.

Тадқиқотнинг клиник қисмида ўтказилган тадқиқот материаллари ва усуллари куйида келтирилган. Куйганлар реанимацияси бўлимида даволанаётган турли локализациядаги оғир термик жароҳатлар билан оғриган 142 нафар бемор текширилди.

Тавсия этилган усул самарадорлигини анъанавий даволаш усули билан таққослашда текширилган беморлар 3 гуруҳга бўлинди:

I (назорат) гуруҳни анъанавий терапия олган 54 нафар бемор (36 нафар эркак ва 18 нафар аёл) ташкил этди.

II (асосий) гуруҳ Сукцинасол билан бирга анъанавий терапия олган 58 нафар бемор (38 нафар эркак ва 20 нафар аёл)дан иборат бўлди.

III (таққосланадиган) гуруҳ – Реамберин билан бирга анъанавий даволанган 60 нафар бемор (42 нафар эркак ва 18 нафар аёл).

Барча беморлар касалхонада куйиш касаллигининг шок ҳолатида қабул қилинди. Куйиш юзасининг кенглиги, чуқурлиги ва жойлашувига кўра енгил, оғир ва жуда оғир шок ҳолатлари аниқланди.

Тадқиқотда «Сукцинасол» инфузион эритмасининг куйиш касаллиги клиник кечишига комплекс таъсири таҳлил қилинди.

Қабул қилинган барча беморларга реанимация бўлимида интенсив комплекс терапия қўлланди. Қуйилиши лозим бўлган суюқликлар ҳажми Н.И.Назаров формуласи (1990) асосида ҳисоблаб чиқилди. Комплекс терапиядаги асосий гуруҳдаги беморларга тавсия этилган алгоритмга кўра 5 кун давомида кунига 400 мл миқдорда «Сукцинасол» инфузион эритмаси куйилди (1-жадвал).

Клиник, параклиник, биокимёвий ва инструментал тадқиқотлар асосида оғир куйган беморларнинг соғлиғи комплекс баҳоланди.

1-жадвал

**Куйиш касаллигининг шок давридаги инфузион-трансфузион даволаш алгоритми
(инфузия ҳажми = $3 \times \%$ умумий куйиш майдони \times тана вазни (кг))**

Эритмалар	Кунлар					
	1		2	3	4	5
	0–8 соат	8–24 соат				
Ҳисобдаги ҳажмнинг $\frac{1}{2}$	Ҳисобдаги ҳажмнинг $\frac{1}{2}$					
Парэнтерал:	Ҳисобдаги ҳажмнинг $\frac{1}{4}$		Биринчи кундаги ҳисобнинг $\frac{1}{2}$	Биринчи кундаги ҳисобнинг $\frac{1}{2}$	Клиник мақсадга кўра	
Кристаллоид эритмалар						
Сукцинасол	400	–	400	400	400	400
ГЭК	–	1000	500	500		
Глюкоза, 5%	–	2000+ инсулин	–	–		
Глюкоза, 10%	–	–	1000+ инсулин	1000+ инсулин		
Аминокислоталар 10%	–	–	500	500		
Ёғли эмульсиялар, 10%	–	–	–	500		
Янги музлатилган плазма	–	–	400	400		
Альбумин 10%	–	–	100	100		
Перорал, зонд орқали:	2000	2000	3000	2000		
Глюкоза-тузли эритма						
Ярим куруқ мувозанатли озуқа аралашмаси, 10%	–	10% – 2000 мл	15% – 3000 мл	20% – 3000 мл	Эҳтиёжга кўра	

Куйишдан жароҳатланган майдон юзасини аниқлаш учун А.Уолласе (1951) томонидан тавсия этилган «тўққизлар қоидаси» дан фойдаланилди. Бунда ҳар бир анатомик минтақанинг фоиздаги майдони тўққизтани ташкил этган: бош ва бўйин – 9%, тананинг олд ва орқа юзаси – 18% дан, жинсий аъзолар – 1%. Чекланган куйишларда «панжа қоидаси» ишлатилган – унга кўра жабрланган тана сиртининг панжа майдони 1% ига тенг.

Касаллик динамикасида беморларда умумий клиник ва биокимёвий қон текширувлари ўтказилди: гемоглобин, эритроцитлар, лейкоцитлар, АсАТ,

АлАТ, умумий оксил (УО), биллирубинлар, глюкоза, КИТ. Эндоген интоксикация даражасини тавсифловчи кўрсаткичларни паст ва ўрта молекулали моддалар (Н.И.Габриян ва ҳаммуалл., 1984), гематологик лейкоцитар интоксикатсия кийматлари (ЛИК) (Я.Я.Кальф-Калиф, 1988). Физикал, умумий клиник ва биокимёвий текширув усулларини ўз ичига олган диен конъюгатлари (ДК) концентрациясини қон зардобида аниқлаш бўйича илмий изланишлар амалга оширилди (В.В.Гаврилова ва ҳаммуалл., 1983); малон диальдегид (МДА) – Ф.А.Knightanda усулида, супероксидсмутаза (СОД) О.П.Макаревич, П.П.Голиков (1983) усули бўйича аниқланди. Фосфат бирикмалари шаклидаги тананинг энергия ҳосил қилиш даражаси қон зардобидаги АТФ миқдори (Boehringer Mannheim GmbH Diagnostica) тест усули билан ўрганилди.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7,0» шахсий компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Интоксикацияларда «Сукцинасол» препарати самарадорлиги натижалари**» деб номланган учинчи бобида тадқиқотни амалга ошириш жараёнида олинган натижалар келтирилган, хайвонларни ўрганишнинг тажрибавий қисми тасвирланган. Тадқиқотда полифункционал сукцинасол қон ўрнини босувчи инфузион препаратнинг Рингер–Локк, сорбилакт ва реамбериннинг гемодинамика, эндоген интоксикация ва тажрибада липид пероксидацияси маҳсулотларига нисбатан таъсирини ўрганиш мақсадида қатор тажрибалар амалга оширилди.

Эндоген интоксикация синдромини ўрганишда эндоген интоксикация синдроми патологиясининг етакчи ва асосий намоёни бўлиб ҳисобланувчи куйиш жароҳати моделлаштирилди. Ўтказилган тажрибалар эндотоксикоз ошиши, ЛПО маҳсулотларини жигар тўқимасида ишлаб чиқаришни кучайтиришини кўрсатди. Шунга кўра токсик шокка хос метаболик касалликлар мажмуаси мавжуд. Детоксикация учун масъул бўлган жигар ва қон ҳужайралари метаболизм, энергия ҳосил бўлиши ва детоксикацияни тиклашга қаратилган ёрдамга муҳтож (2-жадвал).

3-куни Рингер–Локк эритмаси киритилгандан сўнг эритроцитлар сорбцион ҳажми 15%, паст ва ўрта молекулали моддалар зардоби 9,0%, эритроцитлар 9,1% га камайди.

Сорбилакт киритиш билан эритроцитлар сорбцион ҳажми 34%, ўрта молекулали моддалар зардоби 10,8%, эритроцитлар 18,2% га камайди.

3-куни реамберин билан куйган хайвонларни даволаш эритроцитлар сорбцион ҳажмини 44% га камайтирди. Паст ва ўрта молекулали моддалар зардоби 14,2%, эритроцитлар 19,0% га камайди.

Куйганлар жигар гомогенатидаги ЛПО интензивлигини ўрганиш ЛПО жараёнлари фаоллашувини кўрсатди ва энг токсик маҳсулот МДАнинг 270% фаоллашганлигини кўрсатди.

Сукцинасол билан даволашнинг 3-кунида Рингер–Локк, сорбилакт ва реамберин эритмалари ёрдамида даволаш билан таққосланганд куйиш учун МД сонининг 65% га камайиши аниқланди.

Тадқиқот давомида куйиш касаллиги бўлган 142 нафар беморларда кенг камровли текширувлар амалга оширилди. «Сукцинасол» инфузион препаратидан фойдаланиш эндоген интоксикация синдромларининг клиник кўринишлари, метаболик касалликлар ва полиаъзо етишмовчилиги зўрриқининг камайишига олиб келди ва бу жарроҳлик аралашувларининг бевосита натижаларини яхшилаш имконини берди.


2-жадвал

Куйиш жароҳатларини гемокорректорлар билан даволашдан олдин ва кейин эндоген интоксикация ва малон диалдегид концентрациялари кўрсаткичлари

Т/р	Гуруҳлар	n	Эритроцитлар сорбцион ҳажми (%)	Паст ва ўрта молекулали моддалар		МДА, моль/мг
				Зардоб	Эритроцит	
I	Интакт	10	29,1±2,1	9,75±1,3	18,9±0,56	2,1±0,32
II	Куйиш жароҳати	10	62,8±3,9***	25,8±1,34***	37,0±3,12***	7,42±1,3***
3 кундан кейин эритма билан даволаш						
III	Сукцинасол	10	42,0±2,4***^^	20,0±1,1***^^	28,6±1,1***^	6,1±1,4*
IV	Рингер–Локк	10	56,8±2,2***	23,2±1,2***	34,6±1,9***	7,1±1,5**
V	Сорбилакт	10	46,4±2,8***^^	22,8±2,3***	30,8±0,8***	6,8±0,8***
VI	Реамберин	10	43,1±2,8***^^	20,8±1,9***^	29,2±0,9***^	6,4±0,9***

Изоҳ: * – фарқлар интакт гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (* – P<0,05, ** – P<0,01, *** – P<0,001) ^ – фарқлар куйган жароҳатлар гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (^ – P<0,05, ^^ – P<0,01, ^^ – P<0,001).

Сукцинасол инфузион эритмаси юборилган беморларда метаболик ацидознинг нисбатан тўлиқ коррекцияси қайд этилди. Шубҳасиз, Сукцинасол таъсири нафақат кислотали метаболитларнинг зарарсизлантирилиши, балки аэробик жараёнларнинг кучайиши туфайли уларнинг шаклланиши камайиши билан ҳам боғлиқ (1-расм). Сукцинасолни киритиш мўътадил диуретик таъсир билан бирга ўтди, препаратнинг инфузиясидан кейин диурезнинг тезлиги ошди, бу эса детоксикация таъсирини кучайтирди. Сукцинасолдан фойдаланиш гемодинамикани барқарорлаштиришга ёрдам берди, конда гемоглобин миқдори ошиши эритма микроэлементларининг гематопозитик жараёнга таъсир этиши мумкинлигини кўрсатди.




1-расм. Куйиш касаллиги шок даврида қон рН кўрсаткичининг ўзгариши.

Сукцинасолнинг энергия кучайтирувчи хусусиятлари устунлиги (1-расм) миокарднинг энергия ресурсларини чарчашдан ҳимоя қилган гипердинамик қон айланишини шакллантириш имконини берди.

Сукцинасолдан фойдаланилгандан сўнг марказий гемодинамика нормаллашуви жигар, буйрак каби муҳим аъзоларда қон оқимини тиклашни таъминлади ва қон йўқотишининг цитологик таъсирини камайтирди. Бу диурезнинг ошиши, қон плазмасида азотли метаболизмнинг камайиши, жигар кўрсаткичларининг регрессияси билан тасдиқланган пигментли ва оқсил-синтетик жигар функцияси тикланишини таъминлади. Антиоксидантнинг жигар ҳужайраларига мембранани барқарорлаштирувчи таъсири АлТ, АсТнинг ишончли ва тез пасайиши билан намоён бўлди.


Гепатоцитларга зарар етказадиган индикаторли ферментлар даражасининг пасайиши билвосита натрий сукцинатнинг мембранани барқарорлаш ва антиоксидант таъсирини баҳолаш имконини беради.

Организмда ҚК физиологик хусусиятлари туфайли зарарланган ҳужайраларнинг детоксикацион хусусиятлари табиий тикланади, шундан сўнг микроциркуляция ва тўқима перфузияси яхшиланади, томир ичига ҳужайралараро тўқимадан суюқлик оқимини киритади. Суюқликни томир ичига кўчириш қон айланишининг кўпайиши, яъни гемоделлюция билан бирга кечади.




2-расм. Куйиш касаллигида АТФнинг қондаги ўзгариш динамикаси, ммол/л.

Сукцинасол оғир куйиш жароҳати бор беморларнинг интенсив инфузион терапиясига киритилганда интоксикация даражаси сезиларли даражада камайди (3–4-расмлар).




3-расм. Куйиш касаллигида ЛИК ўзгариш динамикаси.




4-расм. Куйиш касаллигида паст ва ўрта молекулали моддаларнинг ўзгаришлар динамикаси.

Клиник таъсир, шунингдек, ЛПО/АОТ тизими мувозанатини сақлаб туриш билан ҳам намоён бўлди (5–6-расмлар).




5-расм. Куйиш касаллигида диен кетонлар динамик ўзгариши, мг/липид.



6-расм. Куйиш касаллигида МДА, мг/липиддаги ўзгаришлар динамикаси.

Бундан ташқари Сукцинасол полиаъзо этишмовчилигига қарши курашда, биринчи навбатда, кўпинча куйиш касаллиги билан юзага келувчи буйрак ва жигар этишмовчилигига қарши жуда самарали восита ҳисобланади.

«Сукцинасол»нинг детоксикация таъсири ҳужайра ичидаги жигар ферментлари динамикасида АлТ ва АсТ даражасининг 1,1 марта, шунингдек, мочевиначининг 1,3 марта, креатининни эса 1,1 марта пасайиши билан бирга кечди (7-расм).



7-расм. Куйиш касаллигида мочевина мол/л нинг ўзгариши динамикаси.

Беморларда Сукцинасол инфузияси охирида ҳолатининг сезиларли яхшиланиши қайд этилди: интоксикация белгилари камайди, тана ҳарорати нормал рақамларга пасайди. Аллергик реакциялар қайд этилмади.

Тадқиқот натижалари куйиш касаллигини комплекс даволашда Сукцинасолдан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини оқлайди.

Оғир куйган жароҳатларни даволашда Сукцинасол самарадорлигини клиник ўрганиш натижасида сукцинасол эритмасининг инфузияси беморлар томонидан қониқарли тарзда қабул қилинаётганлиги ва узок муддатли фойдаланишда асоратлар, ёт ва токсик таъсирлар ривожланиши билан бирга келмаслигини кўрсатди.

Даволашнинг энг яқин натижаларининг қиёсий таҳлилилига кўра Сукцинасол ёрдамида шок даврида даволаш беморларда ўлим даражасини камайтириш ва беморларнинг ётоқда қолиш муддатини қисқартириш имконини берди.

Куйиш касаллиги каби жиддий касалликни даволаш учун Сукцинасолдан комплекс фойдаланиш даволаниш муддатини 1/3 марта камайтириши мумкин. Буни препаратнинг клиник ва иқтисодий самарадорлиги энг ёрқин намунаси сифатида қайд этиш мумкин. Охириги хулоса Сукцинасол ва замонавий гепатотропик препаратлар (реамберин, адеметионин, гепа-мерц, эссенциале) қийматини таққослашдан келиб чиқади.

Турли хил даволаш усуллари самарадорлигини баҳолашда Сукцинасолни комплекс ишлатиш усули интенсив терапияни сезиларли яхшилашга имкон берди. Сукцинасол билан олиб борилаётган интенсив даволаш натижасида клиник назорат гуруҳида, пневмония сони (мос равишда 44,4% ва 30%), сепсис (33,3 ва 20%) ва делирий (50 ва 40%), делирий давомийлиги (5,4 кун ва 3,2 кун) ва критик ҳолатда қолиш (22,4 ва 20,2 кун), ўлимнинг 16,6% дан 10,0% гача камайиши кузатилди (2-жадвал).

Иқтисодий самарадорлик. Куйиш касаллигини комплекс даволашда Сукцинасолдан фойдаланиш беморларда ножўя аллергия реакциялар олиб келмади. Патогенетик асосли терапиядан фойдаланиш клиник белгиларнинг регрессияси тезлашишига ёрдам берди.

Асосий ва назорат гуруҳларининг ётоқ/кунлари қиёсий таҳлил қилинганда асосий гуруҳнинг ўртача кунлик сони назорат гуруҳига нисбатан 4,7 кундан кам.

Ушбу методиканинг жорий этилиши куйиш жароҳати бўлган беморларнинг касалхонада қолиш муддатини қисқартириш, вақтинчалик ногиронлик даражаси ва ногиронлик частотасини камайтириш, иш қобилиятини тиклаш, ҳаёт сифатини яхшилаш орқали ижтимоий мослашувни камайтириш орқали иқтисодий таъсирга эришиш имконини берди.

1 ва 2-клиник гуруҳлари термал жароҳати бўлган беморларда комплекс интенсив терапия самарадорлигининг клиник мезонлари

Кўрсаткичлар	1-гуруҳ (Сукцинасолсиз)	1-гуруҳ (Сукцинасол билан)	P
Беморлар сони	58	54	
Ёш (йил)	32,8±3,8	34,8±4,5	>0,05
Куйишнинг умумий майдони, %	52,0±4,6%	55,0±6,8%	>0,05
ИТП, ед	82,0±6,8	87,0±5,7	>0,05
Камқонликнинг учраши	34 (62,9%)	19 (32,7%)	<0,05
Пневмониянинг учраши	30 (55,5%)	18 (31,0%)	<0,05
Сепсиснинг учраши	29 (53,7%)	16 (27,6%)	<0,05
Токсик гепатитнинг учраши	27 (50,0%)	16 (27,6%)	>0,05
Делири ривожининг учраши	33 (61,1%)	26(44,8%)	>0,05
Делири давомийлиги, сут.	5,2±2,1	2,2±1,1	>0,05
ОИТРДА қолиш давомийлиги	26,2±2,5	23,5±3,8	>0,05
Касалхонада қолиш муддати, ётоқ кун-лари	49,0±2,4	44,3±1,6	>0,05
Ўлганлар	10 (18,5%)	8 (13,7%)	>0,05

Иқтисодий самарадорлик Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 254-сон буйруғи билан норматив ҳужжатлар ва услубий тавсияларга мувофиқ ҳисобланди. Натижада даволаниш муддатини қисқартириш билан соғлиқни сақлашда иқтисодий таъсир 77697632,358 сўмни ташкил этиши аниқланди. Халқ хўжалигининг умумий иқтисодий самараси 99723712,358 сўмни ташкил этади.

Клиникагача ва клиник тадқиқотлар Сукцинасол инфузион эритмасининг полифункционал асосий таъсирини яратиб, уни полиаъзо этишмовчилиги билан кечувчи критик ҳолатларда фойдаланиш учун асос беради. «Сукцинасол» айланма қон ва интерстициал суюқлик ҳажми, кислота-ишқор ҳолатини тиклаш, оғир куйган организмнинг энергия салоҳиятини ошириш имконини беради.

Шундай қилиб, оғир куйган беморларда Сукцинасолнинг клиник самарадорлигини ўрганиш сув-электролитли бузилишлар, ацидоз ва гипоксияни тузатиш воситаси сифатида муваффақиятли ишлатилиши мумкинлигини кўрсатди. Клиник қўлланмалар Сукцинасолнинг инфузион шакли айланма қон ҳажмини тиклаш, фавқулодда ҳолатларда тананинг энергия салоҳиятини оширишга ёрдам беради, деган хулосага келди. Сукцинасолни клиник қўллашда тўпланган тажрибалар касалхонада куйиш касаллиги учун инфузион даволашнинг бир қисми сифатида қаҳрабо кислотасининг асосли қўлланилиши катта истиқболга эгаллигини кўрсатди ва клиник амалиётда уларни тавсия этиш имконини берди.

ХУЛОСА

«Куйиш касаллигининг комплекс интенсив давосида Сукцинасолни қўллаш (экспериментал-клиник изланишлар)» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида куйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Тадқиқотлар эндотоксикознинг кўпайиши, ЛПО маҳсулотларининг жигар тўқимасида ишлаб чиқарилишини кучайтиришини кўрсатди. Детоксикация қилиш учун масъул бўлган жигар ва қон хужайралари метаболизм, энергия ҳосил бўлиши ва детоксикацияни тиклашга муҳтождир.

2. Куйиш касаллигининг ўткир даврида оғир куйганлар беморларнинг Сукцинасол билан комплекс даволаниши гипоксиянинг сезиларли пасайиши, беморларда назорат гуруҳига нисбатан эндоген интоксикация даражаси 1,3 марта камайиши кузатилди.

3. Оғир куйган беморларда сукцинасолдан фойдаланиш инфузион препаратнинг юқори клиник самарадорлигини кўрсатди, бу септик асоратлар ривожланишининг 1,3 марта пасайиши, анестезиология-реанимация бўлимида бўлиш даврининг қисқариши, ўлим кўрсаткичларининг камайиши билан намоён бўлди.

4. «Сукцинасол» антиоксидант тизимларнинг фаоллигини 3,0 марта оширди, назорат гуруҳи билан солиштирилганда ЛПО интенсивлигини 1,3 марта камайитиришга ёрдам берди.

5. Куйиш касаллиги давосида Сукцинасол ўзининг гемодинамик кўрсаткичлар, кислота-ишқор ҳолати, буйрак функциясини рағбатлантириш, жигарнинг биокимёвий кўрсаткичлари ва функцияларини тиклашга самарали таъсир этишини кўрсатди.

6. «Сукцинасол» айланма қон ҳажмини самарали равишда қоплайди, метаболик ацидозни коррекциялайди ва организмнинг энергия салоҳиятини 1,2 баробар оширади.

7. «Сукцинасол» куйиш касаллиги билан оғриган беморлар томонидан қониқарли қабул қилинди. Препаратнинг инфузияси пайтида ва ундан кейин реакциялар, асоратлар ҳамда ёт таъсирлар қайд этилмаган.

8. «Сукцинасол» самарали антигипоксик ва детоксикацион воситаси сифатида куйиш касаллиги бўлган беморларда критик ҳолатларда қўлланилиши мумкин, чунки бундай беморларни даволашда самарали респиратор ва инфузион ёрдамдан ташқари метаболик коррекция тобора кўпроқ ўрин тутди. «Сукцинасол»дан фойдаланиш куйиш касаллиги билан оғриган беморларда комплекс даволашнинг интенсивлигини оширади, бу эса дастурий таъминотнинг якуний натижаларига ижобий таъсир қилади.

9. Гипоксик ва метаболик касалликларнинг асосий патогенетик механизмларига таъсир кўрсатувчи антигипоксик ва антиоксидант хусусиятларга эга бўлган препарат куйиш касаллиги билан оғриган беморларнинг марказий асаб тизимидаги функциялар гипоксик ва метаболик бузилишлари олдини олиш ва тузатиш нуқтаи назаридан жуда муҳим саналади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 27.06.2017.Tib 30.03.
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ
МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ГЕМАТОЛОГИИ И
ПЕРЕЛИВАНИЯ КРОВИ**

ИБРАГИМОВ ДИЛШОД ФАТХУЛЛАЕВИЧ

**ПРИМЕНЕНИЕ СУКЦИНАСОЛА В ИНТЕНСИВНОЙ КОМПЛЕКС-
НОЙ ТЕРАПИИ ОЖОГОВОЙ БОЛЕЗНИ (ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНО-
КЛИНИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ)**

14.00.16 – Нормальная и патологическая физиология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.2.PhD/Tib.669.

Диссертация выполнена в НИИ гематологии и переливания крови Минздрава Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tma.uz) и Информационно-образовательного портала «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Каримов Хамид Якубович доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Закиров Ёркин Узуевич доктор медицинских наук, профессор Сабиров Джурабай Марифбаевич доктор биологических наук, профессор
Ведущая организация:	Андижанский Государственный медицинский Институт

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2019 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc27.06.2017Tib30.03 при Ташкентской медицинской академии (Адрес 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, 2. Тел/факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за № ____). (Адрес: 100109, г.Ташкент, улица Фароби, 2. Тел/факс: (+99871) 150-78-14).

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от « ____ » _____ 2019 года)

Г.И.Шайхова,
председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Н.Ж.Эрматов,
ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

Б.У.Ирискулов,
председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (PhD) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире ожоговый травматизм является актуальной медицинской и социальной проблемой в связи с ростом производства, развитием транспортных средств, усилением урбанизации населения и увеличения природных катаклизмов. По данным информации некоторых авторов «термические поражения – широко распространенные явления, приводящие к развитию обратимых и необратимых изменений в клетках, вывести из которых весьма сложно, что требует новых патогенетически обоснованных методов борьбы с этими состояниями и представляют серьёзную медицинскую, социальную и экономическую проблему»⁵. По данным ВОЗ, ожоги занимают в настоящее время третье место в структуре общего травматизма мирного времени. «Несмотря на определенные успехи современной медицины, летальность обожженных с глубокими и обширными ожогами всё ещё остаётся нарастающе высокой»⁶.

Согласно статистике в мирное время во всех странах умирает от ожогов 60 млн человек ежегодно. В США ежегодно около 2 млн человек получают ожоги, из них умирают 5 000 и около 50 000 становятся стойкими инвалидами. Этот показатель в Японии достиг 290–300 случаев на 100 тыс. населения, в России – 384 случаев, в Узбекистане эта цифра составляет – 374 ев⁷. Одной из главных причин высокой летальности среди пострадавших является отсутствие единой концепции лечения, единого подхода к профилактике и лечению опасных для жизни осложнений, таких как полиорганная недостаточность, ожоговый сепсис, ожоговая энцефалопатия, что ведет за собой к гибели пациентов.

Для достижения наивысших результатов современных аспектов интенсивного комплексного лечения ожоговой болезни в мире проводится ряд научно-исследовательских работ. В этом направлении проводились и исследования действия лекарственного препарата Сукцинасола при ожоговой болезни на эндогенную интоксикацию, процессы ПОЛ-АОС, действие на регенеративные процессы, а также обоснование лечебного действия Сукцинасола, возникновения количества и тяжести осложнений в контроле с традиционной методикой лечения. Применение Сукцинасола у больных с ожоговой болезнью и обеспечение социально-экономической эффективности от его применения создают важнейшую особенность для оценки лечебной эффективности исследования.

Развитие медицинской отрасли в нашей стране, совмещение медицинских структур к мировым требованиям, снижение осложнений возникающих при ожогах различными термическими агентами – приоритеты устава, мер

⁵ Алексеев А.А. Ожоговая инфекция. Этиология, патогенез, диагностика, профилактика и лечение: монография / А.А.Алексеев, М.Г.Крутиков, В.П.Яковлев. – М.: Вузовская книга, 2010. – 416 с.: ил.

⁶ Соколов В.А. Зарубежная статистика ожогов [Текст] / В.А.Соколов, Ю.Р.Скворцов // Скорая медицинская помощь. – 2011, № 3. – С. 58–61.

⁷ Результаты отчетов ВОЗ за 2017 год.

коренного совершенствования структуры здравоохранения нацеленные на улучшение эффективности, качества и общедоступности проводимой медицинской помощи населению страны, формирования структуры медицинской стандартизации, внедрение высокотехнологических методов диагностики и лечения, поддержка здорового образа жизни и профилактика заболеваний путем создания эффективных моделей службы патронажа и диспансеризации.⁴ Эти задачи проявляют особый интерес в поднятии на новый уровень степень оказания современной медицинской службы населению, внедрение современных технологий в качественную медицинскую службу, проявляют особую значимость в диагностике, лечения ожогов различных степеней и сокращению количества осложнений.

